

**ШАРТНОМА № 16**  
**лот № 128202** **от 28.07.2022 й.**

08 августа 2022 йил

Самарканд шаҳри

ООО « ELITE LIFE CONSTRUCTION » корхонаси кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи Ф.Ашуров номидан, бир томондан ва иккинчи томондан **Сам ДТУ куп тармокли клиникаси** кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг Низоми асосида иш юритувчи рахбар **Н.Н Абдуллаева** номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйдагилар ҳақида туздилар.

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

- 1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га Текущий ремонт кровли здания поликлиники и лаборатории Сам ДТУ куп тармокли клиникаси в городе Самарканде (кейинги ўринларда - "Ишлар" деб юритилади) ишларини бажариш, "Буюртмачи" ушбу "Ишлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
- 1.2. "Ишлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

№	Ишнинг номи	Бошланғич нархи	Шартноманинг умумий қиймати (битим суммаси)
1	Текущий ремонт кровли здания поликлиники и лаборатории Сам ДТУ куп тармокли клиникаси в городе Самарканде	476 040 243	473 913 043
	Жами (ҚҚС 15%)	71 406 037	71 086 957
	Жами (ҚҚС билан)	547 446 280	545 000 000

- 1.3 Шартноманинг умумий суммаси **545 000 000 (Беш юз қирк беш миллион)** сумни ҚҚС блан ташкил этади.
- 1.4. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: Бошланиши: "08" август 2022 й. Тугаши: "30" август 2022 й.

**II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:**

- 2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- 2.1.2. "Бажарувчи"дан "Ишлар" "Буюртмачи"нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
- 2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар»ни нуқсон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Ишлар" кўрсатилишини талаб қилиш;
- 2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:  
- зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" шунга ўхшаш "Ишлар" билан алмаштирилишини;  
- "Ишлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёҳуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;  
- баҳосининг мутаносиб тарзда қамайтирилишини талаб қилиш;
- 2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

**2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:**

- 2.2.1 Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

**2.3. «Бажарувчи» қуйдаги ҳуқуқларга эга:**

- 2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомасига мувофиқ кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

**2.4. «Бажарувчи» қуйдагиларга мажбур:**

- 2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;
- 2.4.2. Агар "Ишлар"ни бажариш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни \_\_\_ кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

**III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **545 000 000 (Беш юз қирк беш миллион)** сумни ҚҚС блан ташкил этади. сумни ташкил этади. Бажариладиган "Ишлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.



3.3. "Буюртмачи" мазкур контрактни Самарканд вилояти бўйича Ғазначилик бошқармасида рўйхатга олинган, қандаш бошлаб 10 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ контракт умумий суммасидан 30% миқдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70% ни қисмларга, ҳаққони бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг, ҳисоб-фактура асосида тўлайди.

#### IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳаққидир.

4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга қиравчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак. бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача қаида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳаққидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан қаида 1 кун олдин хабардор қилади.

#### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, ҳажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-қитоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-қитоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортиментини, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам қўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар маҳсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ «Ишлар» бажарувчи томонида қопланади.



## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, томонлар, коидага кўра, муस्ताкил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
- 6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

- 7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «08» август 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.
- 7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

- 8.1. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.
- 8.2. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган кундан сунг қонуний кучга қиради.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.
- 9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шартли билан ҳақиқий ҳисобланади.
- 9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
- 9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

## X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«БАЖАРУВЧИ»  
ООО «ELITE LIFE CONSTRUCTION»

«БУЮРТМАЧИ»  
Сам ДТУ куп тармокли клиникаси

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)


р/с 20208000300269502001  
МФО 00287  
АКБ «Кишлокқурилиш банк»


Манзил: Самарканд ш. . Анқобай 6 уй

Тел : 235-58-48

ИНН 302771654

Буюртмачининг х/р  
401410860184017073101054001  
Банкнинг номи АИКБ ИПАК ЙУЛИ



Директор  Ф.Ашуров


ПИНФИЛ- 30307873680034

МФО - 00283 СТИР 201007901  
ОКОНХ 91511

Газначилик бошқармаси номи : Самарканд  
вилояти буйича Газначилик бошқармаси  
р/смет 23402000300100001010


Банкнинг номи ХККМ Марказий банк

Топқенин тахри  
СТИР-201122919


Рахбар  Н.Н Абдуллаева  
(Ф.И.Ш)

(имзо)

ООО «ELITE LIFE CONSTRUCTION» ҳуқуқшуноси

 Туйчиев Г.М  
(имзо)

Лицензия (диплом) № 875313 берилган санаи: РВ 30.06.1998 й

Сам ДТУ куп тармокли клиникаси Ҳуқуқшуноси 



ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ КРОВЛИ ЗДАНИЯ ПОЛИКЛИНИКИ И ЛАБОРАТОРИИ "САМДТУ КУП ТАРМОКЛИ  
КЛИНИКАСИ" В Г.САМАРКАНДЕ  
МАЪЛУМОТНОМА  
СПЕЦИФИКАЦИЯСИ

1	РАЗБОРКА ПОКРЫТИЙ КРОВЕЛЬ: ИЗ ВОЛНИСТЫХ И ПОЛУВОЛНИСТЫХ АСБЕСТОЦЕМЕНТНЫХ ЛИСТОВ	100M2	14,75	472048	6962715
2	РАЗБОРКА: ОБРЕШЕТКИ ИЗ БРУСКОВ С ПРОЗОРАМИ	100M2	14,75	293539	4329707
3	РАЗБОРКА МЕЛКИХ ПОКРЫТИЙ И ОБДЕЛОК ИЗ ЛИСТОВОЙ СТАЛИ: ПОЯСКОВ, САНДРИКОВ, ЖЕЛОБОВ, ОТЛИВОВ, СВЕСОВ И Т.П.	100M	1,46	176014	256980
4	РАЗБОРКА: СТРОПИЛ СО СТОЙКАМИ И ПОДКОСАМИ ИЗ БРУСЬЕВ И БРЕВЕН	100M2	14,75	524018	7729271
5	ОЧИСТКА ПОМЕЩЕНИЙ ОТ СТРОИТЕЛЬНОГО МУСОРА	100T	2,45	4170681	10218168
6	ПЕРЕВОЗКА ГРУЗОВ АВТОМОБИЛЕМ, РАССТОЯНИЕ ПЕРЕВОЗКИ 16 КМ, КЛАСС ГРУЗА I	T	245,00	10189	2496245
7	КЛАДКА СТЕН КИРПИЧНЫХ НАРУЖНЫХ ПРОСТЫХ ПРИ ВЫСОТЕ ЭТАЖА ДО 4 М	M3	29,60	549984	16279533
8	УСТРОЙСТВО ПОЯСОВ В ОПАЛУБКЕ	100M3	0,15	69662487	10449373
9	АРМАТУРА ДЛЯ МОНОЛИТНЫХ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ В ВИДЕ СЕТОК И ПЛОСКИХ КАРКАСОВ. ПЕРИОДИЧЕСКОГО ПРОФИЛЯ КЛАССА АIII, ДИАМЕТРОМ 12 ММ	T	0,68	8293653	5639684
10	АРМАТУРА ДЛЯ МОНОЛИТНЫХ ЖЕЛЕЗОБЕТОННЫХ КОНСТРУКЦИЙ В ВИДЕ СЕТОК И ПЛОСКИХ КАРКАСОВ. ГЛАДКАЯ КЛАССА АI, ДИАМЕТРОМ 6 ММ	T	0,36	10434783	3756522
11	УСТАНОВКА ЭЛЕМЕНТОВ КАРКАСА ИЗ БРУСЬЕВ (МАУЭРЛАТ)	M3	1,20	4650780	5580936
12	УСТАНОВКА ЭЛЕМЕНТОВ КАРКАСА ИЗ БРУСЬЕВ	M3	14,80	4640847	68684542
13	УСТАНОВКА ЭЛЕМЕНТОВ КАРКАСА ИЗ БРУСЬЕВ БЕЗ СТОИМОСТИ МАТЕРИАЛА	M3	10,80	599294	6472379
14	УСТАНОВКА ЭЛЕМЕНТОВ КАРКАСА ИЗ БРУСЬЕВ (СВЯЗИ ПОДКОСЫ И.Т.Д)	M3	0,60	4640847	2784508
15	УСТАНОВКА ДЕРЕВЯННОЙ ОБРЕШЕТКИ	M3	7,00	4640847	32485932
16	УСТАНОВКА ДЕРЕВЯНЫХ БРУСЬЕВ 50X50 Б/У	M3	16,38	599294	9816442
17	УСТРОЙСТВО КРОВЛИ ИЗ МЕТАЛЛОЧЕРЕПИЦЫ, ПРОФНАСТИЛА ТРАПЕЦИЕВИДНОГО И СИНУСОВИДНОГО ПРОФИЛЯ, С ПОКРЫТИЕМ ПО ГОТОВЫМ ПРОГОНАМ: ПРОСТОЙ	100 M2 КРОВЛИ	14,75	8542790	126006154
18	УСТРОЙСТВО СЛУХОВЫХ ОКОН	СЛУХОВОЕ	6,00	1017491	6104948
19	СНЕГОДЕРЖАТЕЛЬ	M	250,00	16000	4000000
20	УСТРОЙСТВО ЖЕЛОБОВ ПОДВЕСНЫХ	100M	2,60	792939	2061642
21	ЖЕЛОБ УПРАЩЕННЫЙ	M	260,00	20000	5200000
22	НАВЕСКА ВОДОСТОЧНЫХ ТРУБ ПО СТЕНАМ ИЗ КИРПИЧА ИЛИ ЛЕГКОГО БЕТОНА, ДИАМЕТРОМ ДО: 140 ММ	100M ТРУБ	1,50	3566277	5349415
23	ВОРОНКИ ВОДОСТОЧНЫЕ	ШТ	28,00	20000	560000
24	КОЛЕНА	ШТ	84,00	15000	1260000
25	ОБШИВКА ПОТОЛКОВ КРАШЕННОЙ ЛИСТОВОЙ СТАЛЬЮ "ТУНУКАПОН"	100M2	2,10	11537285	24228299
26	УСТРОЙСТВО МЕЛКИХ ПОКРЫТИЙ [БРАНДМАУЭРЫ, ПАРАПЕТЫ, СВЕСЫ И Т.П.] ИЗ ЛИСТОВОЙ ОЦИНКОВАННОЙ СТАЛИ	100M2	0,46	7302311	3359063
27	КОНЕК	M	150,00	15000	2250000
28	КРОНШТЕЙН	ШТ	300,00	10200	3060000
29	УСТРОЙСТВО КОЗЫРЬКОВ И ЕНДОВИНА	100M2	0,70	12080263	8456184
	ИТОГО				385838642
	ТРАНСПОРТНЫЕ РАСХОДЫ НА МАТЕРИАЛЬНЫЕ РЕСУРСЫ				15 408 537
	ИТОГО				401 247 179
	прочие затраты подрядчика-18,11%				72665864
	ИТОГО				473 913 043
	НДС-15%				71086956
	ИТОГО				545 000 000

Клиника СамМи бош муҳаррир

"Elite Life Construction" МЧЖ : директори



Х. Фазилов.

Ф.Ашуров



# Ю Р И Д И К Х У Л О С А

2022 йил 8 август

Самарканд шаҳри

2022 йил август 8- кунги № 16-сонли шартнома юзасидан

Мен ООО «ELITE LIFE CONSTRUCTION» ҳуқуқшуноси Г.Туйчиев ушбу «Текущий ремонт кровли здания поликлиники и лаборатории Сам ДТУ куп тармокли клиникаси в городе Самарканде» ишларини мулжалланаётган 2022 йил 8 август кунги № 16 сонли шартномани юридик жихатдан куриб чиқдим ва қуйидагиларни аниқлади

Мазкур шартнома: Текущий ремонт кровли здания поликлиники и лаборатории Сам ДТУ куп тармокли клиникаси в городе Самарканде ишларини олиб бориш тугрисида.

Шартнома баҳоси: 545 000 000 (беш юз қирк беш миллион) сумни ҚҚС билан ташкил этади  
Ушбу турдаги шартномалар Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 468-478 моддалари билан тартибга солинади.


*Шартнома матни Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тугрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги Қонунинг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларининг ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келади. Шартномада курсатилмаган фаолиятга томонларда узаро манфаатдорлик булган тақдирда имзоланиб, ижрога қабул қилиниши мумкин дир.*

ООО «ELITE LIFE CONSTRUCTION» ҳуқуқшуноси:

Диплом РВ № 875313

1988 й 30-Июнь

Регистрация № 987





«ТАСДИКЛАЙМАН»



СамДТУ куп тармокли клиникаси  
бош врач

Абдуллаева Н.Н

2022 йил 08 август  
МУХР

Клиника учун хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари, озик-овқат, дори-дармон ва бошқа жиҳозларни харид қилиш бўйича доимий ишловчи танлов (тендер) Комиссия йиғилиши

БАЁНИ 63

2022 йил 08 август

Самарқанд шаҳри

Раислик қилувчи

Клиника бош врач  
Абдуллаева Н.Н.

Иштирок этдилар

Комиссия аъзолари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

Клиникада Текущий ремонт кровли здания поликлиники и лаборатории бўйича 2022 йил 28 июльда ЎзРТСБнинг электрон савдо порталига жойлаштирилган 128202-сонли Эълон бўйича ELITE LIFE CONSTRUCTION MCHJ, GRANT ME`MOR QURUVCHI SERVIS ва "MAQSADLI YOL" MChJ QKтомонидан танлов (тендер) Комиссияга тақдим этилган харид таклифлари бўйича энг яхши харид таклифини аниқлаш.

Сўзга чиққанлар:

Марупов Ш.

(Ф.И.О)

Йиғилишда қайд этилдики, Товар хом ашё биржасининг давлат харидлари бўйича электрон савдосига 2022 йил 08 августда 128202- рақамли эълони бўйича куйидаги нарх, миқдор, бошлангич бахоси жойлаштирилган.

т/р	Эълон берилган товар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Эълон бўйича берилган бир бирлик товар (иш, хизмат)нархи	Бахоси
1	Текущий ремонт кровли здания поликлиники и лаборатории СамДТУ куп тармокли клиникаси в г.Самарканде	Усл.ед	1	547 446 280	545 000 000

Клиниканинг хом ашё, материаллар, бутловчи буюмлар, асбоб-ускуналар, мебель, оргтехника воситалари ва бошқа жиҳозларни харид қилиш бўйича доимий ишловчи Комиссиясининг Текущий ремонт кровли здания поликлиники и лаборатории бўйича бир қатор корхоналардан харид таклифлари олинган.

Мазкур корхоналар томонидан тақдим этилган харид таклифларига мувофиқ Текущий ремонт кровли здания поликлиники и лаборатории бўйича танловда иштирок этиш учун куйидаги тур, ўлчам ва нархлар таклиф этилган:

№	Эълон берилган товар номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Эълон бўйича берилган бир бирлик това (иш, хизмат)нархи	ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИЛАРНИНГ лот 128202- рақамли эълонга ТАКЛИФЛАРИ		
					ELITE LIFE CONSTRUCTION MCHJ	GRANT ME`MOR QURUVCHI SERVIS	"MAQSADLI YOL" MChJ QK
					Нархи	Нархи	Нархи
1	Текущий ремонт кровли здания поликлиники и лаборатории	Усл.ед	1	547 446 280	545 000 000	540 446 280	547 000 000

“Корхоналар томонидан Текущий ремонт кровли здания поликлиники и лаборатории ни сифатли ва шартномада келишилган муддатларда бажариш кафолати берилган”. Тақдим этилган таклифлар бўйича ЎзРТСБнинг электрон савдо портали орқали баҳолаш мезони асосида ELITE LIFE CONSTRUCTION MCHJ корхонаси голиб деб топилган ва бу бўйича 08.08.2022 й. га қадар шикоятлар келиб тушмади.

“Комиссия аъзолари томонидан тақдим этилган нархлари арзонлиги,сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш кафолати берилганлиги бўйича ўтказилган таҳлиллар натижасида ELITE LIFE CONSTRUCTION MCHJ имкониятлари қулайлигини кўрсатиб ўтилди».

“Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида Текущий ремонт кровли здания поликлиники и лаборатории ELITE LIFE CONSTRUCTION MCHJ томонидан бажарилганлигини эътиборга олиш лозимлиги айтиб ўтилди”.



- Йиғилишда таъкидлаб ўтилганларни ҳисобга олиб ҳамда корхоналар томонидан тақдим этилган харид нархлар, сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, уларни жойлаштириш ва корхоналарнинг яқин-узуклиги, хар томонлама таҳлилдан ўтказиб, Комиссия

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

#### 1. Клиникага қурилиш бўйича:

- тақдим этилган нархлари арзонлиги;
- сифати ва шартномада келишилган муддатларда тайёрлаш, уларни жойлаштириш ва маҳсулотларни олингунга қадар омборларда тўлиқ сақлаб туриш кафолати берилганлиги;

#### 2. ELITE LIFE CONSTRUCTION MCHJ дан Текущий ремонт кровли здания поликлиники и лаборатории бўйича Клиника ўртасида хўжалик шартномалари лойиҳалари икки нусхада Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ тузиш белгилансин.

ELITE LIFE CONSTRUCTION MCHJ Текущий ремонт кровли здания поликлиники и лаборатории я бўйича Клиника ўртасида икки томонлама тасдиқланган ва жалб этиладиган адвокатлар ёки юристлар экспертизасидан ўтказилган хўжалик шартномалари белгиланган тартибда тузилиб, икки томон раҳбарлари томонидан тасдиқлангандан сўнг асли ва 1 (бир) нусхаси Самарқанд вилоят Ғазначилик бошқармаси юридик мажбуриятларни рўйхатга олиш ва нарх мониторингини олиб бориш гуруҳига тақдим этилсин.

Самарқанд вилоят Ғазначилик бошқармасига хўжалик шартномалари билан биргаликда, қуйидагилар тақдим этилсин:


- белгиланган тартибда расмийлаштирилган тўлов жадвали;
- мазкур комиссия йиғилиши баённома асли (қайтарилади) ва нусхаси;
- икки ELITE LIFE CONSTRUCTION MCHJ томонидан жалб этиладиган ва бюджет ташкилоти томонидан жалб этилган адвокатлар ёки юристлар алоҳида юрист хулосалари;
- танлов ёки тендер ғолибининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- танлов ёки тендер ғолибининг товар (иш, хизмат) етказиб бериш (бажариш) фаолияти билан шуғулланишга тегишли органлар томонидан берилган лицензия;
- маҳсулот ишлаб чиқарувчилар томонидан олинган гигиеник ва яроқлилиқ (соответствие) сертификати;
- товарлар миқдори, ҳажми, тури, нархи ва суммаси қайд этилган товарлар рўйхати;
- танлов ёки тендерда иштирок этган хўжалик юритувчи субъектларнинг белгиланган тартибда ва шаклда тақдим этган харид таклифлари

-Йўриқномаларда белгиланган бошқа тегишли ҳужжатларни тақдим қилинсин.

4. Мазкур баённомага харид таклифларини тақдим этган корхоналарнинг хатлари, харид таклифлари, гувоҳномалари, лицензия ва бошқа тақдим этилган ҳужжатлари илова қилинсин.


5. Мазкур баённома ижроси назорати комиссия раиси ўринбосарига юклатилсин.

Комиссия раиси клиника бош врачлари :

 Абдуллаева Н.Н.


Комиссия раиси уринбосари

Бош ҳисобчи :

 Худайбердиева Е.Б.

Аъзолари:


Даволаш бўйича бош врач уринбосари

 Саидмуродов К.Б.

Қасаба уюшма кумита раиси

Шодмонов А.


Бош врач ҳужал ишлар бўйича уринбосари

 Марупов Ш.

Қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўлими бошлиғи:

Фозилов Х.


Ҳисобчи

 Атамурадова Д.

Дорихона мудири

Каримов И.

Таъминотчи:

 Исматова Д.